

«O‘ZENERGOINJINIRING» AJ.
акциядорларининг «20» ноябрь 2019 йилда
бўлиб ўтган умумий йиғилишида
ТАСДИҚЛАНГАН.

«O‘ZENERGOINJINIRING» aksiyadorlik jamiyati
«ДИВИДЕНДЛИК СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
НИЗОМИ

МУНДАРИЖА

- I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....
- II. ДИВИДЕНТЛАР МИҚДОРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ **Ошибка! Закладка не определена.**
- III. ДИВИДЕНТЛАРНИ ТЎЛАШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ
- IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНТЛАРНИ ТЎЛАНИШИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК **Ошибка! Закладка не определена.**
- V. МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.....
- VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1. «O‘ZENERGOINJINIRING» AJ нинг дивидентлик сиёсати тўғрисидаги мазкур Низоми (кейинги матнларда «Низом» деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси амалиётидаги қонунчилиги, «O‘ZENERGOINJINIRING» aksiyadorlik jamiyati (кейинги матнларда «Жамият» деб юритилади) устави ва акциядорлик жамияти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг мажлис йиғилишининг 31.12.2015 йилдаги 9 сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур Низомда «O‘ZENERGOINJINIRING» AJ нинг дивидентлик сиёсати ўз аксини топиши лозим бўлган умумий масалалар келтирилган.

2. Жамиятнинг дивидентлик сиёсати акциядорларнинг фаровонлигини оширишга ва жамият капиталлаштиришни ўсишига қаратилган. Низомнинг мақсади акциядорларни ва бошқа манфаатдорларни дивидентлик сиёсати тўғрисида бохабар этиш.

Мазкур Низом жамият Кузатув кенгашининг акциялар бўйича дивидентлар миқдорини ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга ёндашувини белгилаб беришга мўлжалланган.

Дивидентлар Жамиятнинг соф фойдасининг бир қисми бўлиб, мутаносибликлар асосида акциядорларга тегишли акцияларнинг сони ва даражасидан келиб чиққан ҳолда тақсимлайди.

Агарда, жамият акциядорларига дивидентлар тўлаш бўйича баъзи бир масалалар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун Ўзбекистон Республикаси бошқа меъёрий ҳужжатлар, жамият устави ва ушбу низом билан тартибга солинадиган бўлса, бу ҳолда акциядорлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилиши лозим.

3. Жамият капиталлашуви даражасини ўсиши жамият акцияларидан олинadиган фойда бўйича акциядорлар мулкий талабларини қондириш асосий тамойили этиб саналади. Жамиятнинг дивидентлик сиёсати жамият томонидан олинadиган соф фойдани ва акцияларни бозор қийматини ошириш мақсадида, истеъмол қилинадиган ва капиталлаштириладиган қисмлар барқарорлик даоажасини таъминлашдан иборат.

4. Дивидентлик сиёсати жамиятнинг соф фойдасидан фойдаланиш сиёсатининг бир қисмидир. Жамият кузатув кенгашининг соф фойдани бир қисмини дивидентлар тўланишига йўналтириш тўғрисида жамият акциядорлар умумий йиғилишида киритган умумий таклифи, кузатув кенгашининг фойдадан умумий фойдаланиш бўйича тавсияларнинг бир қисмини ташкил этади.

5. Жамият дивидентлик сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланган:

- Шаффофлик тамойили, бунда дивидентлик сиёсатида иштирок этувчилар томонлар мажбуриятларини ва жавобгарликларини аниқловчи ва ошкор этувчи маъмуриятлар назарда тутилган, шу жумладан дивидентларни тўлаш ва миқдорлари, қабул қилиш тартиби ва шарти тўғрисида;

- Жамиятнинг дивидендларни тўлашга ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва ижтимоий масалаларни ечишга йўналтирилган фойда қисмларини асосланган ва унумдор солиштирувини излаб топиш ҳаракатини намён этувчи жамият ва акциядорлар манфаатларини оптимал келишуви;

- Долзарблик тамойили, дивидендлар тўланишида вақт чегараларини ўрнатилишини назарда тутати;

- Асослаш тамойили, жамиятнинг ҳақиқий молиявий фаолияти ривожланиши ва инвеститцион дастурдан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш мумкинлиги аниқланади ;

- Адолатлилик тамойили, акциядорларга дивидендлар тўланиши, муддати ва тартиби ҳақидаги қарорларни қабул қилиниши тўғрисида маълумотларни олиш ҳуқуқини тенглигини таъминлашини аниқланади;

- Кетма-кетлик тамойили, дивидендлик сиёсатини тамойиллари ва таркибларига қатъиятлик билан бажарилишини билдиради;

- Ривожланиш тамойили, жамиятнинг корпоратив бошқаруви ҳаракатларини такомиллаштиришга жамиятнинг стратегик мақсадлари ўзгариши муносабати билан, унинг низомларини қайта кўриб чиқиш доирасида дивидендлик сиёсатини такомиллаштиришни назарда тутати;

- Барқарорлик тамойили, жамиятнинг дивидендлар тўлаш даражасини мунтазамлигини таъминлашга интилишини билдиради;

- Жамият акцияларга қўйилган маблағлар бир қисмини, дивидендларни тўлаб туриш билан, қайтариш ҳисобига, жамиятнинг инвеститцион жозибдорлигини таъминлаш ;

- Дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ва бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларига тўла риоя қилиш.

6. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилиш (эълон), жамиятнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши акциялар бўйича дивидентларни тўлаш ёки тўламаслик ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

7. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш, жамиятнинг вазифаси ҳисобланади.

Жамиятнинг бошқарув органлари қарори асосида дивиденд олувчи акцияларга, дивидендлар тўлаш билан боғлиқ ҳаражатлар (шу жумладан, солиқларни ҳисобланиши ва тўланиши билан боғлиқ ҳаракатлар, дивидендларни ўтказилиши, почта ҳаражатлари) қопланиши зиммасига юклатилмайди. Жамият акциядорларини олдида шу мажбуриятларни бажармаслик бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликни ўз зиммасига олади.

8. Дивидендлар, куйидаги ҳолларда ҳисобланмайди ва тўланмайди:

- Жойлаштирилмаганлар бўйича;
- Жамият томонидан олинган ёки сотиб олинган акциялар бўйича;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолларда

9. Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 54 модда биринчи қисмида кўзда тутилган ҳолатлар бўйича, жамият дивидендларни тўлашга ва тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

II. Дивидендлар миқдорин белгилаш ва ҳисоблаш тартиби

10. Жамият, йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги молиявий йилнинг тўққиз ой якунлари ва (ёки) молиявий йил якунлари бўйича акцияларга дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қилишга (эълон) ҳақлидир, 8 бандда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ой якунлари бўйича дивидендларни тўлаш ҳақида қарори, тегишли даврдан уч ой давомида қабул қилиши мумкин.

Дивидендлар, жамият ихтиёрида қолган соф фойда ва (ёки) олдинги йиллар учун тақсимланмаган фойдадан, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик талаблари асосида тузилган Бухгалтерия ҳисоботлари асосида тўланади. Соф фойда тариқасида, жамият томонидан солиқлар ва қонунчиликда белгиланган бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилишидан сўнг, Жамият ихтиёрида қолган фойда ҳисобланади. Бунда, дивидендларни ўз вақтида тўлаш мақсадида ва айланмадан дивидендлар тўлаш учун ажратилган маблағларни олиб қўйилиши натижасида Жамиятнинг молиявий аҳолини ёмонлашувига олиб келинишини олдини олиш учун жамият томонидан олинган фойда ҳисобидан, дебиторлик ҳафсизлигини таъминловчи захира маблағлари шакллантирилади.

11. Жамият умумий йиғилиши томонидан ҳар бир акция тури бўйича дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилинади (эълон). Жамият кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишига акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва тўлаш тартиби ҳақида ўз тавсияларни киритади. Дивидендлар миқдори кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдоридан ошиши мумкин эмас.

12. Акциядорлар умумий йиғилишида дивидендлар тўлаш тўғрисида (эълон) қабул қилинган қарорда қуйидагилар белгилаб қўйилиши шарт:

- тўланаётган (эълон қилинаётган) дивидендлар бўйича акциялар тоифаси (русуми);
- аниқ типдаги битта акция ҳисобидан дивиденд миқдори;
- дивидендлар тўлаш миқдори, тартиби ва мунтазамлиги;
- дивидендлар тўлаш шакли.

Жамият дивидендларни ҳисобланиши ҳақида (тўланиши) қарор қабул қилишга ҳақли эмас, ҳамда қонунчиликда белгиланган муддатлар бўйича, оддий акцияларга дивидендларни тўла тўланиши мумкин эмас.

13. Акциядорлар умумий йиғилишига акциялар бўйича тавсия этиланиётган дивидендлар миқдори, Кузатув кенгаши томонидан қуйидаги омиллардан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

- аудиторлик ҳулосаси билан тасдиқланган молиявий ҳисоботга асосан, соф фойда миқдори;
- Жамиятнинг кейинги даврларга молиявий-хужалик режаси;
- тегишли давр якунига Жамиятнинг айланма маблағлар таркиби;
- тегишли давр якунига Жамиятнинг қарздорлик юкласи.

14. Тавсия қилинаётган дивидендлар миқдорини аниқлаш жараёнида кузатув кенгашига Жамиятнинг келгуси даврларга шакллантирилган молия-хужалик режаларини, Жамиятнинг ҳозирги кундаги мавжуд ва узок муддатли мажбуриятлар ва айланма маблағлар ҳолатини инобатга олиш лозим. Кузатув кенгаши томонидан

Жамиятнинг акциядорлар Умумий йиғилиши тулашга тавсия этилган дивидендлар, Жамиятнинг келгуси даврларга тасдиқланган молия-хужалик режаларида ҳисобга олинмаган қўшимча қарздорлик молиялаштирувга жамиятни жалб этилишига олиб келинишига йўл қўймаслиги лозим.

15. Битта акциядорга ҳисобланган дивидендлар суммаси, бир дона акцияга тўғри келадиган дивидендни унга тегишли акциялар миқдорида қўпайтириш йўли билан яхлитланади.

16. Тийин қисмига эга бўлган, акциялар бўйича ҳисобланган дивидендлар, математик қайдлар асосида бутун сўм миқдоригача келтирилади.

17. Кузатув кенгаши, соф фойда мавжуд ҳолларда, дивидендлар тўлашдан бош тортиши мумкин эмас, форс-мажор ҳолати бундан мустасно. Бошқа вазиятлардан фарқли, бундай ҳолатларга иқтисодий конъюктурани кескин ёмонлашиши, молиявий кризис, жамиятга нисбатан йирик даъволар ва бошқалар киради.

II. Дивидендларни тўлаш тартиби ва муддатлари

18. Жамият дивидендлари тўлашда пул маблағлари, қимматли қоғозлар ёки бошқа қонуний тўлов турлари билан амалга оширади. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади ёки Ўзбекистон Республикаси акциядор норезидентнинг ёзма талабига кўра, Жамият унга ҳисобланган дивидендларни эркин муомалада бўлган валютага конвертация қилишга ва маблағларни акциядор-норезидент тақдим этган, банк ҳисоб рақамига ўтказишга мажбур.

19. Дивидендларни тўлаш муддати Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади, лекин жамият акциядорлари умумий йиғилиши дивидендлари тўлаш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан ошмаслиги лозим.

20. Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишида белгиланган дивидендларни тўлаш муддат ичида жамият қимматли қоғозларига эга акциядорлар дивидендларни олиш имкониятидан фойдаланилмаган ҳолларда, жамият бундай дивидендларни (талаб этилинмаган) тўлашда давом этади. Талаб этилмаган дивидендларни тўлаш жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар тўлаш бўйича мажбуриятини бажарилишига бағишланган муддат тугаган кундан бошлаб, уч йилдан ошмаслига керак.

21. Ўзининг хизмат мажбуриятлари доирасида акциядорлар билан ишни ташкиллаштириш ва юритиш вазифаси мавжуд. Жамиятнинг акциядорлари билан корпоратив муносабатлар гуруҳи, жамият бухгалтерияси билан ҳамкорликда, ушбу низом талабларидан келиб чиққан ҳолда, дивидендларни тўлаш билан боғлиқ ишларни, тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича ҳаракатларни амалга оширади.

22. Ҳар бир акциядор Жамиятга мурожаат қилиб акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш тартиби дивиденд суммаларини солиқлар ҳисобланиши ва тўлаш шартлари тўғрисида маълумот олишга ҳақлидир.

23. Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган Жамиятнинг акциядорлари умумий йиғилишида шакиллантирилган акциядорлар рестрига киритилган шахсларгина акциялар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқига эга.

24. Дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига, рўйхат тузилиш кунига қадар реестр юритиш тизимида рўйхатга олинган шахслар (доимий акциядорлар бундан мустасно) ва акцияларга эгалик қилувчи шахслар киритилади.

25. Қимматли қоғозлар бўйича даромад олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати ўзида қуйидаги маълумотларни акс эттириши шарт:

- рўйхатга олинган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (тўлиқ номланиши);
- шахсни тасдиқловчи ҳужжат тури, рақами, серияси, ҳужжатни берилган жойи ва санаси, ҳужжат берган органни номланиши (давлат рўйхатига олинган рақами, рўйхатга олган органнинг номланиши, рўйхатга олиш санаси);
- яшаш ёки рўйхатда турган жой(яшаш жойи);
- почта манзили;
- қимматли қоғозлар сони;
- ҳисобланган даромад миқдори;
- ушлаб қолинган солиқлар миқдори;
- тўланадиган дивидендлар суммаси.

26. Акциядор улуш шаклида эгалик қилиш ҳолатида, белгиланган тартибда дивидендлар акциялар эгалари ўртасида, эгалик қилинган улушларидан келиб чиқиб, мутоносблик тарзида тақсимланади.

27. Акциядор, унга тегишли маълумотларни ўзгарганлиги ҳақида ўртада турган инвестициявий шахсни ёки унинг акцияларига, ҳуқуқий ҳисобини олиб бориш хизматини кўрсатувчи марказий депозитарийни ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига тегишли маълумотларни тақдим қилмаганлиги оқибатида кўрган зарари учун унинг акцияларига ҳуқуқий ҳисобини олиб бориш хизматини кўрсатувчи Марказий депозитарий ёки ўртада турган инвестициявий шахс жавобгар эмасдирлар.

28. Акциядор ўзининг банк реквизитларини ёки дивидендлар ўтказиладиган манзилени нотўғри кўрсатилиши ёки Жамиятга кўрсатилган реквизитлар ҳақида хабар бермаслиги ёки ўз вақтида хабар бермаслиги оқибатида кўрган зарари учун Жамият жавобгар эмас. Ушбу бандда кўрсатилган сабабларга кўра, акциядор айби билан нотўғри ўтказилинган дивидендлар суммаси Жамиятга қайтарилгандан сўнг аниқлик киритилган реквизитларга, дивидендларни қайта ўтказиш амалиёти, дивидендларни қайтариб ўтказиш ва қайта ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар дивиденд суммасидан ҳисобдан чиқарилгандан сўнг амалга оширилади.

29. Акциядорларга тегишли акцияларга дивидендлар тўлашда жамият солиқ агенти ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги асосида қимматли қоғозлар бўйича тўланадиган даромадлардан белгиланган солиқлар ушланиб қолингандан сўнг, ҳисобланган дивидендларни тўлашни амалга оширилади. Солиққа тортиш стандарт ставкалари қўлланилиши мумкин бўлган акциядорлар, жамиятига бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси амалиётдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қиладилар. (Улар томонидан жалб қилинган тўлов агентига).

IV. Эълон қилинадиган дивидентлар тўланиши учун жавобгарлик.

30. Жамият ҳар турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидентларни тўлашга мажбур..

31. Дивидентлар тўлаш жараёнида ҳеч қайси акциядор уларни тўлаш муддати бўйича имтиёзга эга эмас.

Оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидентларни жамият томонидан тўланиши барча акциядорлар ҳуқуқларини тенг равишда риоя қилиш билан амалга оширилади. Бунда жамият йирик акциядорларга дивидентларни тўлаш оқибатида, миноритар акциядорларни бегиланган муддатларда дивидентлар тўланиши таъминланмаса, бу ҳолда жамият йирик акциядорларга дивидентларни тўлашга ҳақли эмас.

32. Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият акциядорларига дивидентларини тўла ва ўз вақтида тўланишига жавобгардир. Ижро этувчи орган фаолияти устидан назорат, Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тафтиш комиссияси билан ҳамкорликда олиб борилади.

33. Ҳисобланган дивидентларни тўланишини таъминлаш мақсадида, кузатув кенгаши ўз мажлисларида дивидентлар тўланиш жараёнига оид масалаларни муҳокама қилиб боради. Жамиятнинг ижро этувчи органи айби билан дивидентлар тўла ва ўз вақтида тўланмаслик ҳолатларида, кузатув кенгаши айбдор шахсларнинг жавобгарлик даражасини аниқлаб ва уларга нисбатан тегишли чоралар қўллайди ёки қўллаш ҳаракатларини амалга оширади.

34. Жамият томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик ҳолларида, акциядорлар ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидентларни суд тартибида ундириш ҳуқуқига эгадирлар.

35. Жамият томонидан ҳисобланган дивидентларга солиқларни ҳисобланиши ва ўтқазилишига оид солиқ агенти мажбуриятларини бажармаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги бўйича жамият, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида жавобгарликни ўз зиммасига олади.

III. Маълумотларни ошкор қилиш тартиби

36. Ушбу низом ҳамда унга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар Жамият интернет тармоғидаги корпаратив веб-сайтида, бошқарув органи томонидан тегишли қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги баённома имзоланган кундан бошлаб ўн кун ичида ошкор қилиниши шарт.

37. Жамият акциядорлари умумий йиғилишида дивидентларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилгандан сўнг, жамият, қонунчиликда белгиланган муддат ичида, қарор келтирилган омилларни маълумот шаклида ошкор этади. Бунда акциядорларнинг электрон манзилларига дивидентлар ҳисобланганлиги ҳақида хабарнома юборилади.

38. Жамият дивидендлар тўлаш бўйича ўз мажбуриятлари доирасидаги тегишли эътиборга лойиқ омиллар юзасидан амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда маълумот шаклида ошкор қилади.

IV. Яқунловчи қоидалар

39. Мазкур низом, ҳамда унга киритилган қўшимчалар ва ўзгаришлар акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

40. Мазкур низомга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш Жамият кузатув кенгаши комиссияси яъни аудит хизмати ва жамият бошқарув органи ваколатига қиради..

41. Мазкур низомнинг баъзи бандлари Ўзбекистон Республикасида амалиётда бўлган қонун ҳужжатлари талабларига ва жамият уставига қарама-қаршилик ҳолатлари юзага келса, бу бандлар ўз кучини йўқотади ва бу бандлар билан ростланадиган масалалар низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишига қадар, Ўзбекистон Республикасида амалиётдаги қонун ҳужжатлари меъёрлари ва жамият устави билан ростланиши лозим.